



Юбилей

## Сермахсул ижод



19 январь куни Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида миллий мақом санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ ҳофизи, Ўзбек миллий мақом санъати маркази, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг олий тоифали ўқитувчиси, Исроилжон Ваҳобов таваллудининг 70 йиллиги ҳамда ижодий фаолиятининг 50 йиллигига бағишланган юбилей тадбири бўлиб ўтди.

Унда Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Соибжон Бегматов, Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти проректори Ирода Дадажоновна, Ўзбек миллий мақом санъати маркази "Устоз шогирд" мактаби бўлими етакчи илмий ходими Нуриддин Аминжонов ҳамда Исроилжон Ваҳобовнинг ёру дўстлари

иштирок этишди.

Исроилжон Ваҳобов истеъдоди ва мумтоз мусиқа меросига бўлган муҳаббати, устозларнинг беназир сабоғини эгаллагани боис бутунги кунда Осиё, Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари мусиқашуносларининг халқаро анжуман (симпозиум)лари ҳамда Шарқ тароналари халқаро мусиқа фестивалларида фаол иштирок этиб, ўз сози ва овози билан миллатимиз санъатини кўз-кўз қилиб келмоқда.

Мулоҳаза



## Театрлар эскирмайди (ми?) ...

– Ўртоқжон, театрда таклиф қилишганди. Юр, бирга борамиз.

– Э, Еркин, шу эскича фикрлашинг ҳеч қолмади-да. Шаҳарда қанча интернет клублари, барлар, кино уйлари ишлаб турган бир пайтда театрда бало борми?

– Аксинча, ўзинг эскича фикрлайсан. Сен айтётган жойларда бало бўлиши мумкин-у, аммо театрда ундай номаъқулчиликлар йўқ. Театрда тарбия бор, одоб бор.

– Бунча қизишасан-е. Бироз вақтим

зикроқ эди. Сен билан ҳазиллашиб ҳам бўлмай қолибди...

Курсдош дўстим билан кечган қисқа суҳбатдан сўнг шаҳримиз марказидаги театрда йўл олдим. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Маданият ва санъат фидокори", Сирдарё театри фариштаси Озодхон Абдуллаеванинг таклифига кўра, спектакль премьерасида қатнашдим. Тақдир тасодифлари ҳақида кўп эшитганман. Ўша куни университетимизда "Ўзбек адабиёти

билимдони" танлови ўтказилди. "Мен севган асар" шартида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар" романи ҳақида сўзлаб бердим. Буни қарангки, театрда ҳам шу асарнинг намойиши бўляпти экан. Бу ерда қандайдир боғлиқлик борга ўхшайди. Роман асосида саҳналаштирилган спектаклни кўриб, очиги шу қадар хурсанд бўлдимки, ўша ондаги кайфиятимни таърифлаб беролмайман. Яна бир нарсани айтиб қўяй.

Саҳна асарини томоша қилишга келганларнинг кўллигидан ёшлар ижодкорларни туриб бўлса ҳам кузатишди. Романдаги Деҳқонқул, Ақраб, Жамолиддин кетмон ва бошқа образлар орқали "Пахта иши" туйфайли қийинчилик кўрган, залолат қурбонига айланган содда халқимизнинг ҳаёти ачинарли тасвирланган.

Халқ бошидан ўтган қийинчиликлар, қора кунлар тарих китобларидан ўчиб кетса ҳам, инсонлар юрагидан йўқолмайди.

Давоми 2-саҳифада >>

Донолар сузланди...

Яхшилар масъулият билан иш қилиши учун қонунларга муҳтож бўлмайдилар. Ёмонлар қонунларга чап бериш учун йўл топадилар.

Афлотун

Эшиклар ҳар қанча катта бўлмасин, уларнинг калити кичкина бўлади.

Чарльз Диккенс

Адолатли танқид – келажакнинг меваси, ундан чиқарилган тўғри хулоса – бугуннинг меваси.

М. Тошбоптаев

Янги Ўзбекистон - янгича дунёқараш

Жорий йилнинг 14 январь куни Фарғона давлат университетига "Янги Ўзбекистон - янгича дунёқараш" ғояси ҳамда "2021 йил - янги марралар, яқдил қадамлар" мавзусида тadbир бўлиб ўтди. Унда Тошкент давлат юридик университети ректори Раҳимжон Ҳақимов, юридик фанлари доктори, профессор ўқитувчилардан Ғайратжон Эрматов, Миродилжон Баратов ва бошқа малакали ҳуқуқшунослар, Фарғона давлат университети, политехника институти, Кўкўн давлат педагогика олийгоҳларининг профессор, фан докторлари ва

номзодлари, шунингдек, ҳуқуқшунос ва тарихшунослар, шахар ва туман ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоят ҳокими ўринбосари Файзулло Қосимов ҳамда котибиёт мудири, маънавият тарғибот маркази вакиллари, халқ таълими, маданият бошқармаси, вилоят тарих ва маданият музейи вакиллари иштирок этишди. Тadbир Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Муружаатномасидан ўрин олган голларни тарғиб-ташвиқ этиш бўйича 15 январдан 23 январгача бўладиган тарғибот ишлари муҳокамасига бағишланди.

Барча иштирокчиларга ва ташкилот муассаса масъулларига вазифалар топширилиб, шу жойининг ўзидаёқ Республика тарғибот ишчи гуруҳи раиси, яъни Тошкент давлат юридик университети ректори Раҳимжон Ҳақимов томонидан ҳуқуқшунос ва профессор ўқитувчилар ҳамда бошқа дахлдор, тарғиботчи масъуллар иштирокида Тарғибот гуруҳи (7 та гуруҳ, Фарғона ва Кўкўн зонасига бўлинган ҳолда) фаолиятига старт берилди.



Садоқат тимсоллари



## Ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурч!

Юртимизда Ватан ҳимоясидек улғувор ишга киришган ҳарбийларимиз ҳурмату эъзоз билан қадрланиб, ҳар йили 14 январь - Ватан ҳимоячилари куни байрам ва шодиёна билан ўтказилади. Бундай эътибор ва эътироф масъулиятли касб эгаларининг Ватан олдидаги хизматларининг юқори баҳолашнинг намоён этиб, уларнинг келгусидаги фаолиятига куч-қувват, шижоат ва албатта садоқат бағишлайди.

Маълумки, 1993 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан "14 январь - Ватан ҳимоячилари куни" деб эълон қилинди.

Ватанни ҳимоя қилиш барча учун муқаддас бурч ҳисобланади. Уни адо этишда юртимиз ҳимоячилари бўлган миллий армиямиз ва барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашда олиб бораётган хизматини муносиб баҳолаш ҳамда уларга зарур шарт-шароитлар яратиш масалалари ҳам давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Армия ва халқ - бир тану бир жон!" деган олижаноб ғоя ва амалий ҳаракати барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини қамраб олмақда. Бу эса Ватан ҳимояси чиндан ҳам барчамизнинг нафақат вазиғамиз, балки шарафли бурчимизга айланиб бораётганидан яққол далолат беради" деган гапларида ҳам Қуролли Кучларимизнинг халқ билан ҳар қачонгидан ҳам яқинлигини англаш мумкин.

Бугун дунёнинг турли жойларида кескин тус олаётган вазиятда, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавф-хатарлари барчамизни огоҳ бўлишга чақиради ва Қуролли Кучларимиздан юқори даражадаги жанговар қобилиятни мустаҳкамлашни талаб этади. Сўнгги йилларда давлатимизда ҳарбий-сиёсий масалаларда ҳам тубдан ислохотлар амалга оширилиб, миллий армиямизнинг ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба берадиган жанговар қудрати йилдан йилга ошириб бормоқда.

Байрам муносабати билан Олтириқ туманидаги маданият марказида 14 январь - Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали тadbир бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими Холмирза Ниёзов, сектор раҳбарлари, депутатлар, ҳарбийлар, ташкилот, корхона ва муассасалар вакиллари, нурунийлар, жамоатчилик фаоллари ва ёшлар иштирок этишди. Шунингдек, таниқли хонандалар, ижодкорлар ўзларининг ватанни улғувоччи қиқшиллари билан қатнашишди.

Муроджон КАМОЛИДИНОВ, журналист, Олтириқ тумани 14-БМСМ ўқитувчиси

Хотира

## Маҳмудхўжа Бехбудийни эслаб



19 январь - улғу маърифатпарвар аллома, педагог, драматург, публицист, дин ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудий таваллуд топган куни.

Ушбу сана муносабати билан Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий қаламига мансуб "Падарқуш" драматик асосида сахналаштирилган спектакль намойиш этилди.

Жадид адабиётининг асосчиларидан бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий Марказий Осиё ижодкорлари орасида биринчи миллий драматик асар яратди. Унгача мазукур ҳудудда на туркий, на форсий тилда драма жанрида бирорта асар яратилмаган эди. Бу Бехбудийнинг адабиётга қўшган энг катта хиссаси бўлди.

Давоми. Боши 1-саҳифада



## Театрлар эскирмайди(ми?)...

"Отандан қолган далалар" романи эса, айнан халқимиз ўтмишидан, аждодларимиз чеккан оҳ-унолардан, фарёдлардан, оналарнинг "боллам", деб бўзлашларидан, оталарнинг "Ёруғ кунлар тезроқ келсин", дея сўзлашларидан ҳикоя қилувчи нодир асардир. Роман моҳияти Сирдарё театрининг моҳир ижодкорлари томонидан сахналаштирилган кўриниш орқали янада гўзал намоён бўлди. Устоз Озода опа - Деҳқонқулнинг онаси, ўзбек момоси сиймосида гавдаланиши эса асарга фойз бағишлади.

Ўтган йили университетлардаги талабалар театр студиялари ўртасида сахна асарлари танлови ўтказилди. Қадрдоним Фахриддин Зикриевнинг тақлифи билан театр жамоасига қабул қилиндим. "Ниқоб остидаги ҳақиқат" асарини намойиш қилдим. Мобиль воситаларнинг ёшлар онгига ёмон таъсир ўтказётганлиги ҳақида бўлган спектаклда телефон кўринишида гавдаландим. Мафтуна Абдукаримова, Азиза Акбаралиева, Азиза Мансурова, Асадбек Қобилов, Анвар Худойбердиев каби тенгдош ака-опаларим билан бир сахнада университетимиз шаънини ҳимоя қилдик. Ўшанда режиссёримиз Озода опа биз учун анча жон куйдирди. Мураккаб ва ҳалол меҳнатлари учун "Энг яхши режиссёр" номинациясида голиб бўлди. Ана ўшанда сахна ижодкорларининг меҳнатлари нақадар оғир эканлигига ўзим иштирок этиб, гувоҳ бўлганман. Биласизми, қадрли газетхон, театрларда ижодкорлар иккинчи ҳаётларини яшар экан. Ҳаётда йиллаб, театрда кулиш ёки ҳаётда кулиб, театрда йиллаб, асардаги қаҳрамонларни чин дилдан ижро этиш учун ҳақиқий санъатсевар бўлиш керак. Сирдарёлик санъатсеварлар туфайли мен китобхон сифатида "Отандан қолган далалар"ни иккинчи марта кашф қилдим. Бу ёзганларимни ўқиб, менга ҳамроҳ бўлмаган курсдошим афсусланиши аниқ. Ҳечқиси йўқ, янаги сафар, албатта, ҳамроҳлик қилишига ишонаман.

Янги ва яхши асар билан театр жамоасини табриклайман. Романи сахнада гавдалантирган ижодкорлар: Жамолдин - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шариф Жумаев, Ақраб - Шерзод Каттабобоев, Деҳқонқул - Шўхрат Абдуллаев, она - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озодахоним Абдуллаева, Деҳқонқулнинг аёли - Барно Мирзаидова, Иван Иванович - Мурод Усмонов, директор - Санжар Мама-назаров, Клара Ходжаева - Гулнора Муҳаммедова, Раис - Қандиёр Рустамов, шифокор - Бобур Бойзоқов ва кўшиқларни моҳирлик билан ижро этган Раъно Ҳайитоваларга талабалар номидан миннатдорчилик билдираман. Ишониб айта оламани, шундай ижодкорлар, шундай асарлар ва шундай кузатувчилар, қизқувчилар бор экан Ўзбекистонда театрлар ҳеч қачон эскирмайди.

Ёрқинжон ХАЙИТБОВЕВ, Гулистон давлат университети талабаси

Долзарб масала

## Ёшлар мақомга қизиқптимиз?

Мақом - ўзбек халқининг мусиқий энциклопедияси. Унда халқимизнинг миллий урф-одат ва қадриятлари, бадий фалсафаси мужассам. Шу боис неча йилдирки, устоз-шогирд анъанасига таянган ҳолда бугунги кунгача сайқалланиб, миллий мерос сифатида етиб келди.

Ушбу санъат тури ўз оҳанги, жозибдорлиги, сўзлардаги илоҳий муҳаббати билан тингловчининг сеҳрлашга қодир. У ана шундай қудратга эга. Мақомларнинг тарихи ва илмий асослари, баркамол ижрочилиги билан бир қаторда муносиб тарғиботи ҳам ниҳоятда муҳим бўлиб, ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан биридир.

Мақомларни ўзига хос ижро этиш, аслини бузмаган ҳолда ривожлантириш, илмий ва амалий тарғиботини йўлга қўйиш, энг асосийси, келажак авлодга бадий қийматини заррача қамайтирмай етказиш ўта муҳим масалалардир.

Аммо бугунга келиб ушбу санъат турига ёшлар орасида қизиқиш, унга бўлган ҳурмат қониқарли даражада эмас. Бу нафақат миллий санъатимизга, балки миллилатимизга, ўзлгимизга бўлган ҳурматсизликдир. Чунки мумтош ашула ва куйларимизда халқимизнинг ўтмиши мужассам. Аввало, бу санъат турини теран англаш, ҳис қилиш ва унинг илоҳий сўзлари маъносини тушуниш тингловчидан билим ва катта сабр та-



лаб қилади. Эҳтимол, шунинг учун ёшларда мақомларимизга муҳаббат кучли эмасдир.

Нега бизнинг маъно-мазмунга эга бўлмаган, тингловчига фойда бермайдиган Европа кўшиқларини тинглашга тоқат ва иродамиз етади-ю, ўзбек миллий ашулаларимиздан роҳат олишга сабримиз ҳам, билимимиз ҳам оксайди. Шунинг учун мақомларни болаларга боғча ёшидан ўргатиб бориш, яъни мусиқа машғулотларида 5 - 10 дақиқа мақом ашулаларини қўйиб бериб, уларнинг онгига миллий оҳанглари синдириш, ушбу санъат турига қизиқиш ва эътиборларини тортиш орқали мақомларимизга бўлган меҳру ҳурматни оширишимиз мумкин.


Бугунги кунда ана шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида

муҳтарам Президентимиз маданият ва санъат соҳасига катта эътибор қаратишни жоиз топдилар. 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳри, Фарғона, Бухоро ва Хоразм вилоятларида мақом санъати га ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ташкил этилиши ҳамда ёш мақом ижрочиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти фаолияти йўлга қўйилиши фикрчиларнинг ёрқин ишотиридир. Умид қиламизки, мақом санъатимиз келажак авлодга миллий мерос сифатида ардоқланган ва асли бузилмаган ҳолатда етиб боради.

Мухлиса МАШРАБОВА, Андижон давлат университети талабаси

Кўргазма

**“Ислом Каримов сиймоси санъат асарларида”**



Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейида 2021 йил 25 январдан 30 январга қадар давом этувчи “Ислом Каримов сиймоси амалий санъат асарларида” номли кўргазма бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон ва хорижий давлатлар хунармандлари томонидан яратилган, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов сиймоси туширил-

ган амалий санъат намуналари намойиш этилади.

Мазкур экспозициялар Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси музейи фондидан ўрин олган бўлиб, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовга хорижий давлатлар раҳбарлари ва халқ хунармандлари томонидан совға қилинган амалий санъат асар-

ларидир.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентини Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ва Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейи билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Мулоҳаза

# Оила қуришда севги муҳимми ёки пул?



Севгига ишонасизми? Савол сизга бироз ғалати туюлптими? Лекин кимлардир бу тушунча остида илоҳий туйғу яшайди деб ўйлашади...

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, реал ҳаёт билан севги деган тушунча ўртасида қанчалик тафовут бор? Эҳтимол, бу эртақларда яшайдиган, образларга сайқал берадиган тўқимадир? Чунки бошида севдим-қуйдим деб елиб-югуриб, кейин ажрашиб кетаётганлар кўп. Хул, севги азалдан мавжуд экан, унда одамларнинг қаричи ўзгариб кетдимикин?..

Йўқ, биз ушбу тушунчанинг бор-йўқлиги устида баҳслашмоқчи эмасмиз. Аксинча, севги деб шовма-шовларлик қилаётган, турмуш учун фақат муҳаббатни етарли билиб, оила қуриш ва оқибатда унданда қалтис хато қилиш арасида турган ёшлар ҳақида қозғоқ қоралашни мақсад қилдик.

Оила – муқаддас кўрғон. Бунга ота-бобларимиз азалдан ўсиб келаётган авлодга уқтириб келган. Бироқ баъзида амалимиз назариямизга тўғри келмай қолаётганга ўхшайди.

Айтайлик, ота-она оиланинг азиз эканлигини яхши англайди. Фарзандининг бахтли яшашини унданда муҳим ўринга қўяди. Шу боис гоҳида ўзига тўқ, мол-дунёси етарли хонадон билан куда бўлишни мақсад қилса, гоҳида боласининг кўнглига қараб севганини маъқул кўради...

Шу ўринда, сиз газетхонларга, мушоҳада юритишингиз учун мавзуга доир саволлар берасиз:

• Оила қуриш истагини билдирган ёки бунга унданган ёшлар, ҳақиқатан, “муқаддас кўрғон” қуришга тайёрми?

• Биз “азиз” деб урғулайдиган оила аслида нима? У келажакда қандай кўринишда бўлиши ҳақида болангиз тасаввурга эгами?

• Нега биз ҳиссиётни тафтиш қилишни қотирамиз-у, реал ҳаётга келганда, келажакда нима бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаймиз?

Келинг, энди мазкур саволлар атрофида суҳбатлашсак.

Одамлар орасида “биринчи муҳаббат” деган ибора бор. Кўпчилик уни 16 – 18 ёшда қарши олинади деб таъкидласа, бошқалар 23 – 25 ёш келади дейишади. Агар қузатсангиз, оила қурмаганлар 25 ёшдан кейин уй-

ланишга шошилишмайди. Аввало, ўз феъл-атворига мос келадиган, тушунадиган умр йўлдошни хошлашади ва мукамалликка интилишади. Ўспирин эса кўнгли кўйганининг чиройига, юриш туриши-ю, бўй-бастига эътибор беради.

Мутахассислар фикрича, 25 ёшдан кейинги никоҳ ажрашиш хавфини 60 фоизга камайтираётган экан. Нега бундай? Сабаби, киши улғайган сари ўзининг, шу жумладан, бошқанинг қадр-қимматини ҳам чуқур англаб бораверади.

Тушунчаси шаклланган йигитлар: “Чиройи бўлмаса ҳам, ақли, ҳулқи яхши бўлсин” дейишса, қизлар: “Нима бўлса ҳам, мени тушунсин”, деган фикрда собит туриб қолишади? Ўспирин ёшидагилар учун энг кераклиси – суйганига эришиш, қолгани муҳим эмас.

Кишининг ёши улғайгани сари “пишиб” бораверади. Бошида таваккалчи бўлса, эндиликда етти ўлчаб бир кесади. Натижада камроқ хато қилади.

Оила қуриб, кўп ўтмай ажрашиб кетаётганлар аслида бир-бирини тушунмасликларига сабаб шу даражагача етиб келишган. Яъни улар учун оила қуриш борасидаги тушунчалар камлик қилган.

Айтайлик, қиз – чиройли, одобли, бординги, ўқимишли бўлсин, аммо ўзга уйда яшаш, болаликни ота уйда қолдириш каби оддий ҳақиқатни тушунмаса, йигит – бой, иши-касби яхши, “ўзига тўқ” бўлса-ю, келаётган ҳам “бировнинг боласи”, яшаш

ҳуқуқига эга инсон”лигини фаҳлалмаса, унда ким фойда кўради? Ҳўйда таралла-бедод қилган меҳмонлар-у, сарпо-суруғни пуллаган сотувчилар бу ёғига туриб бермаслиги кундек равшан. Энди тўй қилишдан кўзланган мақсад нима эди-ю, охириги натижа қандай бўлишини бир ўйлаб кўрсак.

“Етти ўлчаб, бир кес”, дейди доно халқимиз. Аслида бу қандайдир жараёнга мослаб айтилган нақл. Қисқалтирилган вазиятимизда эса икки кишининг тақдири, умри турибди. Наҳотки, шундай азиз неъмат бунёд бўлиши қутилаётган вақтда қайта ўлчаб кўришга эришсак?!

Тўғри, бу узоқни кўришдаги таҳминларимиз жамиятимизнинг оила қурган умумий ёшлари учун эмас. Бироқ, афсуски, “хато қилибмиз”, “бир-биримизни тушунмадик”, “талогингни бераман”, “сен бўлмасанг, бошқаси”, “онаси ўпмаганига уйланаман” каби афсусланиш чақириқларини ҳам эшитиб турибмиз. Улар ҳам тўй арасида чексиз қувонч туйишган, қават-қават сарполар йиғишган, ширин-ширин фарзандлар кўришни орзу қилишган. Киши келажакни кўролмагани каби улар ҳам олдинда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни тасаввурига ҳам келтиришмаган.

Мазкур муаммо сабаби нима? Аввало, бир-бирини тушунмаслик, севган инсонининг аслида кимлигини янгидан кашф қилиш, атрофдаги қариндошларнинг сабаб-бесабаб аралашуви, йўқчилик, ишсизлик, оила ҳақида маълумотга эга эмаслик.

Албатта, ҳали санашда давом этиш мумкин, бироқ бизга сабабдан кўра унга ечим излаш, олдини ола билиш муҳимроқ. Афсуски, ечим яна бориб тарбияга тақалади.

Қиз узатаётган ота-она, энг аввало, фарзандининг ўзга хонадонда яшай олиши учун зарур бўлган феъл-атворини шакллантириши керак. Йигитнинг ақинлари эса “талоқ” аслида қандай сўз, унинг шариятда қанчалик кучта эга эканлигини тушунтиришлари зарур. Энг муҳими, оила қураётганларида ҳар иккисига ҳам ўйинда эмас, ҳақиқий ҳаётда яшаётганликларини уқтириш лозим. Акс ҳолда кимгадир тақдир, кимдандир ўрناق олиб хато қилиб қўйиш мумкин.

Оила қуриш ёшига етган ҳар бир ўғил-қиз турмуш нималиги ҳақида тўғил тушунчага эга бўлиши шарт. Ўзга муҳит, ўзга хонадон келгуси ҳаётининг давоми эканлигини етарли даражада чуқур англаши керак. Эр ким, хотин ким, ҳар иккисининг мажбуриятлари қандайлиги тушуниб етилмас экан, оила пойдевори қумдан қурилди ҳисоб.

“Тўй қилайин”, “орзу ҳавасим бор”, дея сарпо-суруғ йиғишни бошлаганларга қораламаларимиз охирида айтар сўзимиз бор:

Зийнатни фарзанд онгига беринг. Уни маънан тарбияланг. Хашаматни қалбига жойланг. Шундагина оила тўқин, фарзандингиз бахтиёр бўлади. Йигитнинг моли ер остида экан, даргоҳи кенг Аллоҳ унинг толейини беради. Сиздан эса кетадигани сабр ва қаноат беришдир.

Истеъдод



## Яна бир ғалаба муборак!

Юртимизда ёшларга берилётган имкониятлар, санъат соҳасида яратилаётган шароитлар беқиёс. Асл ўзлимизни кўрсатиб берадиган ўзбек миллий муסיқамизини ўрганиб келаётган ёш истеъдод эгаларининг иқтидорини янада ўстириш, ижро маҳоратларини намоён қилишлари учун мамлакатимизда кўплаб танловлар йўлга қўйилган. Уларда ғолиб бўлган ёшларимиз устозлардан мерос қолган миллий муסיқамизни чет элларда ҳам юқори ҳурматга сазовор этиб келишмоқда. Шундай иқтидорларимиздан бири, миллий мумтоз ашуулаларимизни чин дилдан ўрганиб келаётган ёш мақомчи Мухлиса Машрабовадир.

Мухлиса Андижон давлат университетининг санъатшунослик факультети, анъанавий хонандалик йўналиши талабаси. Унинг ижросини эшитсангиз, таниқли водий устозлари ижро йўлини ҳамда ҳақиқий “анжанча” шижоатни, чаналикни кўрасиз.

Ёш мақомчимиз шу кунгача Республика ва Халқаро миқёсдаги бир неча танловларда қатнашиб, юқори натижаларга эришган. Жумладан, 2019 йилда “Ёш ижрочилар” республика кўрик-танловида 3-ўрин соҳиби ва “Ягонасан муқаддас ватан” республика кўрик-танлови ғолибидир.


Халқаро миқёсда эса 2014 йили Беларусда ўтказилган “Золотая пчёлка” танлови ғолиби, 2020 йил Россиянинг Волгоград шаҳридаги “Мы вместе” танловида 3-ўрин, Сочи шаҳрида ўтказилганида эса 1-ўрин соҳибидир.

Яқинда унинг яна бир ғалабасига гувоҳ бўлдик. Жорий йилнинг 11 январь куни “Шоу талантов” номли Халқаро ва Бутун Россия масофавий фестивалида “Халқ вокаллари” номинацияси бўйича қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди. Унинг бу каби ютуқларга эришишида астойдил меҳнати сингган устози Бобуржон Йўлдошевнинг ҳам ҳиссаси катта.

Устоз таълимини олган шоғирлар шу кунга қадар “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, “Нихол” мукофоти, республика ва халқаро танловлар лауреатлари бўлиб келишган. Мухлиса ҳам улар зиддан бориб, устозига хос шоғирд бўлиб келмоқда. Мухлиса фақатгина ижро билан чекланиб қолмай, сиёсий форум ва конференцияларда қатнашиб келади ва илмий мақолалар ёзишга ҳам улгурган. Унинг олдиндаги энг катта орузи “Зулфия” номидаги давлат мукофоти совриндори бўлиш ва биз бу ниятига эришишида тилақдошимиз.

Мухлисадек жўшқин ёшларга қараб ҳавасингиз келади, илҳомингиз қайнайди. Юртимизда иқтидорли, истеъдодли ва серқирра ёшларимиз сафи кенгайверсин. Ўзбек миллий куй-қўшиқларимиз эса дунё сахналарида ҳамisha янграб турсин!

Феруза АБДУКАРИМОВА,  
Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий муסיқамиз санъати институти талабаси



О.АБДИЕВ

Сирли тепалик

Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманида жойлашган Ғаровли қишлоғида яшаб, Аҳмад Ясавий номли мактабда йиллар давомида директорлик лавозимида ишлаган ва ҳозирда нафақа гаштини сураётган тарихчи Тоштемир бобонинг айтишича, қишлоқда икки сирли тепалик мавжуд.

Бунга асос сифатида айтиш мумкинки, Зардўштилик даврига мансуб

“Қоровул тепаликда” ярим танаси чиқиб турган сопол қўзалар бўлиб, улар ичида кроманьон ёки неандертал одам суяклари жойланган. Ва ушбу тепалик айнан Зардўштилик қабристонига бўлган деган қарашлар бор.

Иккинчи сирли тепалик Кушон подшолиги даврига тегишли бўлган ва бугун аҳоли томонидан “Киндикли тепалик” номи билан аталади. Бу тепаликда эса ай-

нан Буюк ипак йўли савдогарлари ҳордик чиқариш мақсадида тўхтаб, аҳоли учун савдо-сотиқ ишларини амалга оширишган ва яна йўлларини давом эттиришган деган тахмин юради. Ушбу тепаликларга назар солсангиз, ҳақиқатан, тарихнинг тилсиз гувоҳларига ўхшашади.

**М.ШУКУРОВА,**  
Ўзбекистон давлат табиат музейи  
Маркетинг ва туризм бўлим мудри



Кутлов



## Эътироф

Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлари ташкил топганлигининг 29 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Маданият вазириликнинг Сирдарё вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Эркин Худойқулов Миллий Ғвардия Қўмондони томонидан “Маънавий ва маърифий ишлар аълочилиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Мусликий кеча

Собиқ иттифоқ даврида ота-она ўглини армияга йиғи-сиғи билан жўнатар эди. Йигитлар тиббий кўриқдан юзаки ўтказиларди. Шўро армияси шароитида миллий айирмачиликлар кенг тарқалган ва бунинг натижасида ноқушликлар ҳам бўлиб тургани сир эмас.

## Мардлар кўриқлайди Ватанни

Шунингдек, йигитларимиз ўз Ватанидан узокда, чет элларда, ҳатто дунёнинг чекка ўлкаларида хизмат қилишарди. Ота-оналар ўғилларини армиядан олиб қолишга уринишарди. 1992 йилнинг 14 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида”ги қарори асосида юртимизнинг ўз Куролли Кучлари ташкил этилди.



Олий Кенгашининг 1993 йил 29 декабрдаги “Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунига биноан 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини деяр эълон қилинди. Уша кундан бошлаб аскарлар ўз ҳарбий хизмат бурчларини она ватанида ўтамоқдалар ва белгиланган сана байрам сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Бухоро вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонаси ходимлари ватанимиз сарҳадларини кўриқлаб келаётган жасур посбонларни табриқлаш ҳамда аскар бўлишни орзу қилаётган ёш ўғлонларга ватан ҳимоячилари учун юртимизда яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятларнинг жуда юксак даражада эканлиги тўғрисида тушунча бериш мақсадида “Мардлар кўриқлайди Ватанни” мавзусида

мусликий кеча ўтказилди.

Байрамонга безатилган хона “Юртимиз сарҳадларининг жасур посбонлари” номи кўргазма билан бойитилди. Тадбирни кутубхона ходимлари С.Мардонова, А.Ўроқовалар олиб боришди. Кеча ёш фаол китобхонларнинг шеър, кўшиқ, табриқ ва сахна кўринишлари билан мазмунли давом этди. Байрамга тақлиф этилган меҳмонлардан Бухоро давлат университети талабалари Шаҳбоз Иброҳимов, Журъат Бахтиёр, Ғолиб Ғайбуллаевлар ўз чиқишлари билан йиғилганларга кўтаринки кайфият улашишди.

**Элмира СОЛИЕВА,**  
Бухоро вилояти  
кўзи ожизлар махсус  
кутубхонаси етакчи  
мутахассиси

“Дўстлик” клуби

## 30 йилдан сўнг...

“Дўст билан обод уйинг зар бўлса у вайрона ҳам,  
Дўст қадам қўймас эса вайронадир қошона ҳам”...



Халқимиз ўзаро дўстлик, меҳр-оқибат, бағрикенгликка асосланган инсоний фазилатлари билан донг таратган. Мана шу улугвор фазилатлар туфайли неча-неча йилдирки, миллий кадрятларимиз қадрини йўқотмай келмоқда. Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши асоратлари қалбини тилка-пора қилган жабрдийдалар ҳам ўзбек халқининг бағрикенглигидан ором топган.

Бундан 30 йил аввал, мустақиллигимизнинг илк йилида пойтахт мактабларидан бирида ташкил топган Ёшлар Дўстлик клуби ҳам шундай эзгу мақсадлар билан иш бошлаган эди. Клуб ишини йўлга қўйишда бевосита жонбозлик кўрсатиб, унга раҳбарлик қилган рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Алима Қурбонбоева билан суҳбатлашар эканмиз, кекса педагог, психология фани билимдони сифатидаги мулоҳазалари ҳозирги кунда ҳам долзарблиги билан ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга эканига амин бўлдик...

– Дунёни яхши инсонлар, уларнинг эзгу амаллари сақлаб туради, – дейди Алима Эргашева. – Биз ҳам Ёшлар Дўстлик клубини шундай хайрли саъй-ҳаракатлар билан бошлаган эдик. Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб ташкил этилган клуб ишига кўплаб хайрихоҳлик билдириб, буюк нишан мамлакатларда ҳам анъанага айланди. Клуб аъзолари орасида турли миллат вакилларида иборат мактаб ўқувчилари, талабалар бор эди. Мақсад: Ўзбекистонимиз ёшларини ўзаро дўстлик, аҳиллик, Ватанга ҳурмат-содоқат руҳида тарбиялаш. Маълум маънода биз бунга эришидик дея оламан. Россиянинг қатор шаҳарлари, кўшини мамлакатлар ёшлари иштирокида ўтказилган дўстлик фес-

тивалларида ўзбекистонликлар ҳам ўз иқтидори ва салоҳияти билан ажралиб турар, доимий эътироф ва оқибатларга сазовор бўлишарди. Муҳими, клуб аъзолари қайси миллат вакили бўлмасин, бир оила фарзандидек аҳил, иноқ эдилар. Улар қалбидagi инсоний фазилатлар ҳали-ҳамон сақланиб қолганидан жуда хурсандман...

Ҳозир улар ўз оиласида, иш жойларида ҳам бу эзгу анъана давом эттиришмоқда. Чунки келажак авлодга тарбия берадиган ота-оналарнинг ўзлари, юртимизимиз айтганидек, тарбияли бўлишлари зарур... Ҳар йили 17 январь куни клубимизнинг кўпгина аъзолари маслаҳатлашиб, у ташкил топган кунни биргаликда нишонлаймиз, – дейди Алима Қурбонбоева. – Ишонасизми, дунёнинг қайси бурчагида бўлишмасин, албатта, етиб келишади. Мана, масалан, Феруза қизимиз куни кеча Дубайдан етиб келди. Шаҳноза Жанубий Корея курилиш компаниясида, Шоҳида эса банкда ишлайди. Насриддин Асриддинов телевидениеда редактор, Сурайё Муллаева ҳам нуфузли ташкилот вакили. Отабек, Хуршидлар яхшигина тадбиркор... Хуллас, болалигидан Дўстлик клубида тарбия топган ўқувчиларим бугун жамиятимизнинг энг фал аъзолари қаторида. Уларга қараб туриб,

болага нечоғлик эрта тарбия берилса, инсоний фазилатлар сингдирилса, улар албатта олийжаноб фазилатлар эгаси бўлиб етишишларига ишонч ҳосил қиламан. Улар Ўзбекистондек буюк юртининг муносиб фарзандлари эканини амалда исботлашади.

– Мана, орадан 30 йил ўтиб ҳам сиз бошлаган эзгу ишлар давом этаётгани ҳақида нима дея оласиз?

– Тўғри, баъзан Ёшлар дўстлик клуби фаолияти тўхтаб қолгандек туюларди. Лекин ҳозирги кунда давлатимиз раҳбарининг халқаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, “Ўзбекистон – умумий уйимиз” шиори остида олиб борилаётган миллатлараро тотувлик сиёсати доирасидаги саъй-ҳаракатларда дўстлик клубининг мақсад-муддаоси ўз ифодасини топмоқда. Шу кунларда кўшни Қозғонистоннинг Туркистон вилоятидан ташриф буюрган меҳмонлар Чиноз туманида бўлиб, у ердаги миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжихатликни таъминлаш борасидаги ишлар билан танишишди. Бу воқеликларни кузата туриб, бизнинг ҳам меҳнатларимиз зоеъ кетмаганидан мамнун бўламиз...

Дарҳақиқат, ўзаро аҳиллик, дўстликда ота-боболаримиз айтганидек, ҳикмат кўп. “Куч бирликдадир” деб бежиз айтилмаган. Айниқса, ҳозирги дунёда бўлаётган турли ноқушлик, хунрезликлар шу мамлакатларда аҳиллик, дўстлик масалаларига эътиборсизлик билан қаралишидан далолатдир. Шу маънода қаҳрамонимиз Алима Қурбонбоева каби ҳолис ният, эзгу тилакли устоз-мураббийлар сафи кенгаверсин дейимиз...

**С.РИХСИЕВА**

Тадбир

## Юрт ўғлонлари

Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги муносабати билан Жиззахда ҳам байрам тадбири бўлиб ўтди.

Дастлаб Жиззах шаҳридаги "Хотира" хиебонида "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гул қўйилди. Шундан сўнг ҳарбий парад ва жангатор чиқишлар намоиш этилди.

Шу куни шаҳардаги Мустақиллик майдонида ҳарбийларнинг жангатор техникалари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Байрамнинг тантанали қисми анжуманлар залида бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан вилоят ҳокими Эргаш Салиев Президентимиз Шавкат Мизиёевнинг байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Кечанинг бадиий қисмида Ўзбекистон давлат филармонияси, вилоят мусиқали

драма театри актёрлари ва маҳаллий санъаткорлар томонидан юртни тараннум этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди. Аynиқса, театр актёрлари томонидан намоиш этилган сахна кўринишлари байрамга ўзгача завқ бағишлади. Тадбирда бир гуруҳ ҳарбийлар юртбошимизнинг юксак унвонлари билан тақдирландилар.

**Миржалол ШАЙЗАКОВ,**  
Жиззах вилоят мусиқали драма театри актёри



Бунёдкор аждодларимиз



## Амир Темур – илм-фан ва маданият ҳомийси

Амир Темур ибн Амир Тарағай ибн Амир Барқул 1336 йил 9 апрель куни Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хожа Йлғор қишлоғи (ҳозирги Яқкабоғ тумани)да туғилади. У ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийсидир.

Темурнинг онаси Такина хотун бу хорилик бўлган. Отаси амир Тарағай эса барлос уруғи оқсоқолларидан ҳамда Чингаой улусининг эътиборли бекаридан ҳисобланган. Унинг аждодлари Кеш вилоятида ҳокимлик қилишган. Шу боис Амир Темурнинг отаси ҳам йилда бир мартаба Или дарёси бўйида хон томонидан қаҳриладиган элчор беклари қурултойига тақлиф этилар ва бундай йиғинларда муттасил қатнашарди. Шарафуддин Али Яздийнинг таъкидлашича, у "уламо ва сулаҳо ва муттақийларга мушфиқ ва меҳрибон эрди ва буларнинг мажлисига борур эрди..." Тарағойбек, айниқса, пири Шамсуддин Кулоли чукўр эхтиром қилган. Шайх Қул кейинчалик Амир Темурнинг ҳам пири бўлган.

Соҳибқироннинг ёшлиги Кешда кечди. Етти ёшта тўлғач, отаси уни ўқишга беради. Темур ёшлик чоғиданоқ махсус мураббийлар назорати остида чавандозлик, овчилик, камондан нишонга ўқ узиш каби турли машқ ва ҳарбий ўйинлар билан машғул бўлган. Шу аснода у тулпорларни саралаб, ажрата оладиган моҳир чавандоз ва довурак баҳодир бўлиб вояга етган. Табиатан оғир, босиқ, теран фикрли ва идрокли ҳамда ниҳоятда зийрак Темурбек кишилардаги қобилият, фазилят, айниқса, самимиятни тезда фахрлаб оладиган инсон эди. Шу туфайли ўспиринлик чоғларидаёқ атрофига тенгқуларни орасидан садоқатли дўстларни жалб қила олган. Бу эса кейинчалик унинг улкан, марказлашган давлат тузиши, раиятни эдлат билан бошқаришида муҳим омиллардан бири бўлди. Зеро, у халқ ичида юриб, орзу умиди, дард ва аламини яхши англари.

Амир Темур мамлакатни бирлаштириш, уни ривожлантириш йўлида катта ишларни амалга оширди. Хусусан, салтанат пойтахти Самарқанд унинг даврида гуллаб-яшнади. Шаҳарда Исфаҳон, Шероз, Халаб, Хоразм, Бухоро, Қарши ва Кешнинг меъмури бинокорлари қўли билан саройлар, масжидлар, мадрасаю мақбаралар қурилади.

Самарқанд ташқарисида эса боғ-роғлар ва бўстонлар барпо этилади. Жумладан, Шоҳизинда меъморий мажмуасига мансуб Шодимулк оғо, Ширинбека оғо мақбаралари ва бошқалар қурилади. Бибиноним жоме масжиди, Амир Темур қароргоҳи – Қўксарой ҳамда Бўстонсаройлар қад ростлайди. Умуман олганда, Самарқанд шаҳри соҳибқирон даврида ўзининг қадимий ўрни Афросиёбдан бирмунча жануброқда бутунай янгидан қурилди. Шаҳар тевараги мустаҳкам қалъа девори билан ўралиб, Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Қоризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан аталувчи 6 та дарвоза ўрнатилди. Мовароуннахрнинг деҳқончилик воқаларида, хусусан, Зарафшон водийсида ўнлаб суғориш тармоқлари чиқарилиб, деҳқончилик майдонлари кенгайтирилди ҳамда янги қишлоқлар барпо этилди.


Ибн Арабшўхнинг ёзишича, Амир Темур Самарқанд атрофида қад ростлаган бир қанча янги қишлоқларни Шарқнинг машҳур шаҳарлари: Димишқ (Дамашқ), Миср, Бағдод, Султония ва Шероз номлари билан атади. Унинг фикрича, Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теварак-атрофининг ободлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоғи лозим эди.

Ҳофиз Абрўнинг ёзишича, Амир Темур турк, араб ва эронликлар тарихини чуқур билган. У давлат аҳамиятига эга бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда, шу соҳа билмдонлари ва уламолари билан маслаҳатлашарди. Одатда тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, тарих, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари, шунингдек, илоҳиёт ва дин соҳасидаги машҳур уламолар билан суҳбатлар ўтказарди. Саркарда саройида уламолардан мавлоно Абдуҷаббор Хоразмий, мавлоно Шамсуддин Мунши, мавлоно Абдулло Лисон, мавлоно Баҳрудин Аҳмад, мавло-

но Нуъмонуддин Хоразмий, Хўжа Афзал, мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Хокий ва бошқалар хизмат қиларди.

Алишер Навоийга Амир Темурнинг илм ва маънавият аҳлига кўрсатган ғамхўрлиги жуда ёқарди. Бу ҳақда Навоий шундай деганди: «Агар Темур қаерда фан, маданият ва санъат аҳлини учратса, уларни ўз ҳомийлигига олар, иззат-икром кўрсатар, тарбиясига аҳамият берар ҳамда бу зотлардан ўз олий мажлисида надим (маслаҳатчи) сифатида ва бошқа лавозимларда фойдаланарди». Амир Темур даврида савдо ва ҳунармандчилик ғоятда ривожланади. Янги бозорлар, савдо расталари барпо қилинади. Клавиҳо Самарқанд бозорларида бугдой ва гуручнинг мўлиги ва арзонлиги ҳақида гапириб, шаҳар ҳунармандчилиги маҳсулотлари – атлас, кимхоб, хар кил ип ва жун тўқима моллар, мўйнали ва ипакли пўстинликлар, атторлик моллари, зирavor ва дориворлар, зарҳал ва ложувардлар ҳамда бошқа молларнинг севроблигини ҳам таъкидлайди.

Бу даврда Амир Темур ва унинг асир олинган ноиблари Хитой ва Хиндистондан Ўрта Осиё орқали Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига йўналган асосий халқаро савдо йўли, ҳозирги тил билан айтганда "Буюк ипак йўли"ни назорат қилиб, савдо қарвонлари қатнови хавфсизлигини таъминлашда, работлар, қалъалар, кўприклар қуриш йўлида муҳим чора-тадбирлар кўрдилар ва Шарқ билан Ғарб турмоғи лозим эди.



ўртасида савдо-сотик ҳамда элчилик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга ғоят катта эътибор берди.

Соҳибқирон, энг муҳими, Эрон, Озарбайжон ва Ироқдаги майда ҳукмдорлар ўртасидаги тарқоқлик ва бошбошдоқликка барҳам бериб, бу билан нафақат Мовароуннахр, балки Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатларининг иқтисодий ва маданий тараққиётига, халқлар ва мамлакатларни бир-бири билан яқинлаштиришга улкан ҳисса қўшди. Европанинг Франция, Англия ва Кастилия каби йирик қиролликлари билан бевосита савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатди.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, жанг жадаллари оқибатларига баҳо бериш экан, шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, унинг фаолияти қўйилган мақсад ва режалари жиҳатидан икки босқичга бўлинади. Биринчи босқич (1360-86)да Мовароуннахрда марказлашган давлат тузиш йўлида курашди. Мовароуннахрни бирлаштиришдан манфаатдор бўлган маҳаллий эродгонлардан иборат иқтисодий кучлар (мулкдор деҳқонлар, ҳарбийлар, ҳунармандлар, савдогарлар ва руҳонийлар) ёрдамида тарқоқ мулкларни бирлаштириш учун кураш олиб борди. Амир Темурнинг бу даврдаги фаолияти Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тараққиёти йўлида шубҳасиз улкан аҳамият касб этади. Мамлакатда тарқоқлик тугатилиб, марказлашган давлатнинг ташкил топиши ижобий оқибатларга олиб келди. Мамлакатда ишлаб чиқариш кучларини ва мўгулларнинг бир арим асрилик ҳукмронлиги натижасида бўҳронга учраган иқтисодни тиклаш учун қулайроқ шароит вужудга келди. Шу билан бирга ҳўжаликнинг асоси бўлган деҳқончиликда муайян силжишлар рўй берди. Янгидан-янги ариқ (канал)лар қазилиб, деҳқончилик майдонлари кенгайди. Ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ривожланди, фан ва маданият

ят равнақ топиб, шаҳарлар ободлашди ва гавжумлашди.

Саркарда бирор мамлакатни тасарруфига олишдан аввал албатта ўша жой аҳолисига тинчлик йўлини тақлиф этган. Инкор этилган ҳолдагина ҳарбий куч ишлатган.

Амир Темур ҳаётлиги чоғидаёқ салтанатни асосан тўрт қисм (улус)га бўлиб, ўғил, набираларига тақсимлаб берган: Хуросон, Журжон, Мозандарон ва Сейстон (маркази Хирот) Шоҳрухта; Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон (маркази Табриз) Мироншохта; Форс, яъни Эроннинг жанубий қисми (маркази Шероз) Умаршайхга; Афғонистон ва Шимолий Хиндистон (маркази Газна, кейинчалик Балх) Пирмуҳаммадга суюроғол қилинган. Бу саркарда давлати ўзига хос тартиб-қондаларга асосланган ҳолда идора этилган. Амир Темур асос солган бу давлат Хуросон ва Мовароуннахрда XVI аср бошигача мавжуд бўлиб, Шайбонийхон томонидан тугатилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач Амир Темур шахсига нисбатан адолатсиз қарашларга барҳам берилди. Унинг жаҳон тарихида тугатилган ўрни ўз жойига қўйила бошланди. Фаолиятини ўрганиш ва оммалаштиришга кенг йўл очилди, номи абадийлаштирилди. Қўплаб шаҳару қишлоқлардаги шох кўчалар, майдонлар, жамоа ҳўжаликларни, мактаблар, кинотеатрлар ва бошқалар унинг номи билан аталди. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларининг марказий майдонларида Амир Темурга ҳайкаллар ўрнатилди. Пойтахтдаги Амир Темур хиебонида Теурийлар даври музейи барпо қилинди (1996 йил), "Амир Темур" ордени таъсис этилди (1996) ва Халқаро Амир Темур жамғармаси ташкил қилинди (1995). Тошкент, Самарқанд ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО раҳбарлигида 1996 йил соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Буюк саркарда ҳақида икки қисмдан иборат бадиий фильм, спектаклар ва шеърый ҳақда насрий асарлар яратилди.

**УЛОДШАЕВ,**  
Фарғона вилоят маданияти ва тарихи давлат музейи кўчма кўргазмалари бошлиғи

Маҳорат дарси

“Лачакли момолар”



Монок маданият маркази томонидан тумандаги 53-мактаб ўқувчилари ҳамда “Лачакли момолар” фольклор ҳаваскорлик бадий жамоаси иштирокида номоддий маданий меросимиз дурдоналаридан ҳисобланган, Хоразм воҳасида аёлларнинг асосий бош кийими сирасига кирувчи “Лачак” Ураш маросими бўйича маҳорат дарси ўтказилди.  
Тадбирда ёшларга бу ноёб бош кийими-

нинг моҳияти, момоларимиз томонидан қадимдан кийиб келингани, унинг фойдали хусусиятлари тўғрисида батафсил маълумот айтилиб, жараён амалда кўрсатиб берилди. Мазкур маросимда халфалар томонидан ижро этилган халқ оғзаки ижоди намуналари тақдим қилинди. Шунингдек, кечада туман маданият бўлими мудир Ширинжон Жуманиёзова ҳам иштирок этиб, номоддий маданий меросимизни асраб-авайлаш бо-

расида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан эълон қилинган фото ва видеолар ҳақида кўрик-танловга тақдим этилган “Лачакли момолар” ижодий гуруҳи раҳбари Ширинжон Бобонова жамоаси билан тайёрлаган видеолар республикада иккинчи ўринни эгаллагани муносабати билан уларга туман маданият бўлимининг Ташаккурномаси ва эсдалик совғаларини топширди.

Бебаҳо тухфа

Табиатнинг ўзи табиб

Ҳозирги даврнинг энг муҳим масалаларидан бири – аҳолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари ва доривор воситалар билан таъминлашдир. Табиат бизга жуда кўп табиий бойликлар инъом этганки, биз улардан кундалик турмушимизда самарали фойдаланишимиз лозим. Аждодларимиз турли касалликларни даволаш, саломатликни мустаҳкамлаш учун табиатнинг ушбу бебаҳо тухфаларини самарали қўллаган.

Юртимизда доривор ўсимликлар жуда кўп бўлиб, улардан оқилона фойдаланган ҳолда бир қатор касалликларнинг олдини олиш мумкин. Иммуни тизими мустаҳкам бўлган инсон ҳар қандай касаллик билан кураша олади. Шундай экан, куйидаги тавсиялар сиз учун:

Алой ўсимлиги энг қадимий доривор гиёҳлардан биридир. Баргидан олиб қуриштирилган шира (сабур) сурғи сифатида, консервация қилинган шарбати эса турли яраларни, куйган терини, гастрит ва колит касалликларини даволашда ишлатилади. Тропик ва субтропик минтақаларда ўсади. Хонадонларда ҳам маданий ўсимлик сифатида экилади. Хитой тиббиёти жуда кўп ноёб майда ўсимликларга бой. Улардан бири мамлакатда кўп асрлардан буюн қўлланиб келинаётган астрагал ўсимлигидир.

Бу ўсимликни асосан илдизи учун йиғиб олишади. Чунки у даволаш хусусиятларига эга. Астрагални чой ёки шўрвага қўшиб истеъмол қилиш мумкин. Бундан ташқари, уни капсула, экстракт ва кукун кўринишида ҳам харид қилса бўлади. Астрагал иммуни тизимини мустаҳкамлайди ва ҳаттоки тумовни енгишга ёрдам беради.



Чаканда – поливитамин ўсимлик. Экиннинг асосий қимматли хусусияти – мева шарбати ва уруғларида чаканда мойи (облепиховое масло) мавжудлиги бўлиб, унинг миқдори 8% етади. Ошқозон-ичак, меъда шиллиқ қаватлари, ошқозон-ичак яраси ва гинекологик касалликларни даволашда тенги йўқ доривор воситадир.

Яна шундай манзарали ўсимликлардан бири – павловния. У дунёдаги энг тез ўсувчи манзарали, қимматбаҳо боғдорчилик дарахти. Уруғи таркибида Япония техникаларида қўлланиладиган мой мавжуд. Бундан ўн йиллар муқаддам Болгариядаги Пловдив университетиде фахрий доктор сифатида маъруза ўқиган Ўзбекистонлик олим, биология фанлари доктори, профессор Алишер Тўраев “Павловния” номи гаройиб дарахтга қизиқиб қолди. Олим бу ўсимликни юртимиз шароитида кўпайтириш учун синов тариқасида Тошкент, Фарғона, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги тажриба майдонларида ўстирди. Кейинроқ унинг ҳар хил турларини бошқа ҳудудларга ҳам экиб кўрди. Натижа кутилгандан ҳам юқори бўлди ва профессор Тўраев “Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида павловния навларини ўстириш мумкин”, деган хулосага келди. Олим ўз тажрибасидан келиб чиқиб, ёғоч олиш учун павловниянинг кўпроқ “Шанг Тонг” номили гибрид навини экишни тавсия қилади. У жуда тез ўсувчи, ниҳоятда мустаҳкам нав саналади. Ўзини қайта тиклаш хусусиятига эга бу дарахт кесилган сари қайта ўсиб чиқаверади. Одатда бу ҳолат 8 маротабагача давом этади.

Мамлакатимизда охириги 5-6 йилда павловнияга қизиқиш ниҳоятда ортиб бормоқда. У ер шарида мавжуд дарахтлардан нафақат энг тез ўсиши билан ажралиб туради, балки гўзал гуллаши, қимматли ёғоч, асал, биомасса манбаи эканлиги билан қадрланади, манзарали дарахт сифатида истироҳат боғлари, хиёбонлари бегайди. Албатта, бу мамлакатимизда янги ўсимлик ҳисобланади. Фойдали жиҳатлари кўплиги боис воҳамиз ҳудудиде тадбиркорларимиз томонидан ушбу ўсимликни етиштириш йўлга қўйилмоқда.

Тахмина БЕГМАТОВА,  
“Термиз” давлат музей-кўриқхонаси  
илмий ходими

Асл тарих



Ўтмишдан сабоқ

Маълумки, халқимиз тарихининг буюклиги маънавият ва маърифатнинг юксаклиги билан белгиланади. Хоразмий, Беруний, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан, илм-фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшган. Темурийлар, Бобурийлар томонидан яратилган буюк салтанатлар, улар раҳнамолигида барпо этилган мухташам тарихий обидалар бугун ҳам халқимиз даҳолар салоҳиятининг ёрқин намуналари сифатида дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

Мамлакатни демократик асосларда қайта қуриш ва жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш кўп қиррали жараён дур. Бунда таълим-тарбия тизимларининг ўрни, аҳамияти, шубҳасиз, жуда катта. Ўзининг кундалик тирикчилик ташвишларидан ортмай қолган, миллий, тарихий қадриятларидан, урф-одат ва қадимий анъаналаридан деярли беғоналашган, тор ихтисослик доирасида фикр юритишдан маҳрум этилган “совет кишиси”нинг онги ва дунёқарашини ўзгартириш, қалбига, руҳига миллий ва умуминсоний қадриятлар нуруни синдириш, унинг бугунги тараққиётдан маданий олам, эркин ва илгор фикрловчи инсонлар даражасида фаолият кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда таълим-тарбия тизими олдида катта ва кенг миқёсли вазифалар турибди.

Халқимизнинг даҳолари яратган юзлаб бадий асарлар жаҳон адабиёти тенгсиз дурдоналари сифатида инсоният маънавий мулкига айланган. Ўзбек халқи маънавиятини юксакликка кўтарган мисолларнинг чекчегараси йўқ. Уларда ватандошлари-

миз дунёқарашини, феъл-атвори, тафаккури, урф-одатлари ўз ифодасини топган. Мамлакатимизнинг нафақат шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бугун жаҳон эътирофи этади. Бу қадимий ва табарруқ туپроқдан буюк алломалар, фозил-фузалолар, олим уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Муаллиф бошқа ўринларда Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолдин Мангуберди, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Беруний, Ибн Сино, Ал-Мотурудий, Бурҳониддин Марғилоний, Пахлавон Махмуд, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Али Қушчи, Жамшид Коший, Абдуллоҳ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоийлар номларини, ҳаёти ва ижодини чуқур ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг кўлга киритилиши тарихимизни тубдан ислоҳ қилиш, мавжуд билрамчи манбаларга таянган ҳолда хилосана ва ҳаққоний, адолат ҳамда тарихийлик нуқтаи-назаридан ўрганиш

ва ўқитиш имконини беради. Юртимиз фуқаролари Ўзбекистоннинг ҳар қандай мафкурадан холи бўлган ҳамда таҳлилларга асосланган ҳаққоний тарихни ўрганиши ва ундан сабоқ олиши давр тақозосига айланди.

Ўтмиш шундай бой тарихий тажриба манбаидирки, одамлар ундан ўрганадилар, тажрибага эга бўладилар ва илҳом оладилар. Ҳозирги кунда тарихни билиш кундалик назарий ва амалий вазифалар ечимини топишда зарурий восита ҳисобланади.

Бугунги кунда халқнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги ишлар давлат олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Маънавият, баркамоллик ўз-ўзидан киши руҳига кириб қолмайди. Унга ҳар қуни, ҳар соатда тинмай сабр-бардош билан меҳнат қилиш орқали етишиш мумкин. Бу хайрли ишда Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг ўрни беқасдир.

Азамат ГАНИЕВ,  
Наманган вилояти  
тарихи ва маданияти давлат  
музейи мустақиллик  
бўлими мудир

Адабий-бадий кеча

Бахтимиз пойдевори

Ҳар қандай мамлакатнинг демократик хусусиятлари – инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қандай ёндашилгани ҳамда унинг амалга ошириш учун яратилган шарт-шароитлар билан белгиланади.

Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланса, у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олиши лозим. Инсон ўз ҳаётини борлиққа, унинг қонунарига эътибор бермай ташкил этолмайди. Шунинг учун у ўзини кашф қилишга, ўрганишга, хусусиятлари меъерини кенгрок

билишга интилади. Шу муносабат билан Гурлан туман кўзи оғизлар кутубхонасида “Конституция – бахтимиз пойдевори” мавзусида адабий-бадий кеча ўтказилди.



Уни фаол фойдаланувчилардан Мухтрам Ибодуллоева, Маржона Турсунбоевалар оlib борди. Кечада қатнашчиларнинг ҳар бири моддаларни ёддан айтишди. Қувонарлиси, ҳозирги кунда ёш фойдаланувчиларнинг кўпчилиги ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишади.

Тадбир давомида, шунингдек, “Конституция ҳуқуқий давлат қуришининг асоси” мавзусида китоблар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

М.Йўлдошева,  
Хоразм вилояти  
Гурлан тумани кўзи  
оғизлар кутубхонаси мудираси

Жудалик

Ўзбек мақом санъатида яна бир йўқотиш



Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, "Лазги" ансамбли ва Хоразм санъати устунларидан бири, устоз санъаткор Раҳматжон Қурбоновнинг вафоти қалбларни ларзага солди.

Санъат соҳасидаги кўп йиллик серкирра ижодий фаолияти билан эл-юрт назарига тушган хонанда асл санъат дурдоналаридан "Чоргоҳ", "Талқини Рост", "Катта сувора", "Чапандоси сувора", "Базиргоний", "Қаро кўзим", "Насруллоий", "Махсус", "Феруз I", "Феруз II", "Оразибон" каби кўплаб мақом ҳамда мумтоз ашулаларни ўзгача меҳр ва ихлос, юксак маҳорат билан ижро этган.

Ижодий фаолияти давомида қардош қорақалпоқ, озарбайжон, туркман, турк, тожик халқ кўшиқларини ҳам зўр иштиёқ билан қўйлаб, кўпчиликнинг меҳрини қозонишга улгурганди.

Устоз нафақат санъатимиз ривожига, балки халқлар ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам катта ҳисса қўшди. Меҳнатлари муносиб баҳоланиб, давлатимизнинг "Меҳнат шухрати" ордени билан ҳам тақдирланди.

Кўп йиллар давомида Ўзбекистон давлат филармонияси "Лазги" ашула ва рақс ансамбли раҳбари лавозимида ишлаганини эътиборга оlish.

Хунармандчилик

Тарихдан маълумки, Ўзбек халқ амалий безак санъати ўзининг қадимийлиги, серкирраллиги билан машҳур. Ҳозирги кунгача сақланиб қолган қадимий шаҳарлардаги ҳар бир тарихий обидда, ҳар бир халқ амалий безак санъати намунаси аждодларимиз томонидан яратилган бетақдор, бебаҳо санъат асарлари бўлиб, жаҳон маданияти дурдоналари қаторида ўз ўрнига эга. Жумладан, кўп асрлар мобайнида орттирилган моддий, маданий ва маънавий бойликларимиз, хусусан, халқ амалий безак санъатининг энг кўп ривожланган турлари: наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, тоштарошлик, суяк ўймакорлиги, кандакорлик, пичоқчилик, заргарлик, каштачилик каби турлари ўз жилоси билан диққатни жалб этади.

# Фарғона кулолчилиги анъаналари



Амалий-бадий безак санъати турмушда қўлланиладиган хунарлардан бўлиб, турли хил буюмларни ясаш, кўчалар, майдонлар, ўқув-тарбиявий муассасалар, моддий иншоотларни бадий бетишти билан боғлиқ. Шунингдек, идиш-товоқлар, кийим-кечаклар, газмоллар ва бошқа махсулотларни безашда қўлланилади. Бу қадимий хунар одамларнинг меҳнат фаолиятлари ва эҳтиёжлари туфайли ривож топган. Халқ амалий санъати жуда қадимий бўлиб, эркин ижод, тафаккур махсули сифатида яратилди ва у теварак-атрофга файз киритиш, одамларда гўзалликка бўлган қизиқишнинг шаклланишига хизмат қилади.

Кулолчилик санъати махсулотлари қора лойдан яратилган мўъжизадир. Бундай буюмлар сазолат, ҳалоллик, эзгулик тимсолидир. Тупроқ инсонларнинг барча эҳтиёжларини қондирувчи фаровонлик, тўкинлик, ризқ-рўз манбаи ҳисобланади. Ўзбек кулолчилиги ажойиб анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услубга эга. Бу хунар лойдан пилёла, коса-товоқ, кўза, лаган, хумдон, тандир, шунингдек, қурилиш ашёлари, металл эритиш қолплари ва бошқалар тайёрланганидан соҳа бўлиб, узок тарихга эга. VIII-XII асрларда Ўрта Осиё аҳолисининг сув-

га бўлган эҳтиёжи туфайли сопол идишлар кўп ишлаб чиқарилган. Асрлар оша уларнинг шакли ва безаги такомиллашса боради. Кулоллар ўз буюмларини ясашдан ташқари уларни дид билан безай бошлайдилар. Кейинчалик тожик ва Ўзбек халқлари ўртасида бу хунар кенг ривожланиб, турли кулолчилик марказлари пайдо бўлди.

Ўзбекистон тарихан кулолчилик санъатининг энг бой меросини сақлаб қолган юрт ҳисобланади. Ишлаб чиқариш услуби бўйича 2 та асосий турга бўлинган: сирланган ва сирланмаган. Ҳ аср бошида Мовароуннаҳр шаҳарларида сирланган кулолчилик кенг тарқалган. XVIII асрларда эса ушбу услуб бадий комилликка эришган ва юқори сифатга эга эди. Шундай кулолчилик намуналари Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг экспозиция залларида кенг намойиш этилмоқда.

Фарғона водийсининг асосий кулолчилик мактаблари ва марказлари Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманганда ташқил топган. Мустақиллик шарофати билан юр-

тимизда халқимизнинг асрлар бўйи қадоқ қўллари билан яратилган ижодий меҳнати қадр топди, бу санъатни кўз қорачигидек сақлаш, улар орқали ёшларнинг эстетик дидини ўстириш ҳамда юксак маданиятли кишилар қилиб тарбиялаш имкониятлари яратилмоқда. Жумладан, ҳукуматимиз томонидан бир қанча қонун ва қарорлар қабул қилиниб, ўзининг ижодий самараларини кўрсатмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш, хунармандларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармони оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик билан шуғулланаётганларга шарт-шароитлар яратишда кенг имкониятлар эшигини очди. Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий хунармандчилик, халқ бадий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва мажмуали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Азамат ГАНИЕВ,**  
Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи бўлим мудири

Филиал ифтихори

# "Тумор" ансамбли 2 ёшда

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали бу йил ўз мучал ёшини қаршилади. Шу қисқа вақт ичида нафақат Қорақалпоғистонда, балки республика миқёсида ўз ўрни ва обрўсига эга масканга айланиб улгурди. Филиалнинг "Тумор" рақс ансамбли эса икки ёшга тўлди. Бугун биз ансамблининг тарихи ва бугунги фаолиятига қисқача тўхталиб ўтамиз.

"Тумор" рақс ансамбли 2018 йил Есил Назар Халмуратов филиалга ўқитувчи бўлиб келган вақтида директор (марҳум) П.Палуаниязовнинг қўллаб-қувватлаши билан ташқил этилди.

"Санъат ва маданият олийгоҳида нима учун рақс ансамбли йўқ", деган саволни ўртага ташлаган Е.Халмуратов рақс ансамблини ташқил этишда жонбозлик кўрсатиб, унинг фаолиятини йўлга қўяди ва жамоага ишонч билдиради. 2018 йилнинг 16 ноябрида Нукус шаҳридаги Болалар мусиқа ва санъат мактабида очилиш маросими бўлиб ўтди ва ансамблга "Тумор" номи берилди.

табий. Мўйноқ туманида Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган "Йил талабаси - 2019" Республика танлови голиблигини тақдирлаш маросимида ўз рақслари билан қатнашган "Тумор" ансамблига Ўзбекистондаги ОТМ ректорлари томонидан юқори баҳо берилди. Ўз ўрнида Е.Халмуратовга ташаккур билдирилди. Дарҳақиқат, "Тумор" ансамбли филиалимизнинг ифтихори ва фахридир. Шунингдек, "Қорақалпоғистон" телеканалининг рақс санъатига оид кўрсатувларида ҳам "Тумор" ансамбли ўз чиқишлари билан халқимизга хизмат қилиб келмоқда. 2021 йилга "Тумор" ан-




Е.Халмуратовнинг илмий ва амалий салоҳиятини бугун "Тумор" рақс ансамблининг репертуаридан ҳам библиш мумкин. Унда жаҳон классик ва қорақалпоқ, ўзбек, турк, татар, озарбайжон, рус, тожик халқлари рақслари ўрин олган. Республика миқёсида ўтказиладиган байрам ва тантаналарда ансамбл ўз ўрнига эга бўлди.

Жамоа иштирокчилари кийимлари ҳам Халмуратовнинг илмий изланишлари ва касбий тажрибалари натижасида яратилган. Миллий кийимларнинг беэзаги нақшларида ўзига хос тарихий маъно бор. Буни рақс олампидан хабардор инсонлар ахши тўшунишади.

"Бир костюм учун уч-тўрт ойлаб вақт сарфлаган пайтларим ҳам бўлган. Энг асосий мақсадим, келажакда "Тумор"ни халқ ансамблига айлантириш", - дейди Е.Халмуратов.

Инсон меҳнати эътирофи этилса ёки рағбат топса, бу унинг келгуси ишларида мададкор бўлиши, руҳлантириши



самблининг концерт дастури режалаштирилган ва унга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Талабаларни ансамблга жалб қилиш, уларни тарбиялаш, имконият яратиш бериш, иқтидорларини юзага чиқариш ва муваффақиятлари билан фахрланиб юришдек бахту саодат ҳар бир педагогнинг мақсад муроди ҳисобланади.

Шоғирдлар ардоғидаги устоз Е.Халмуратов ва "Тумор" ансамблига ижодий ишларида юксак марраларни тилаб қоламиз.

Асилбек ҚОЛҚАНАТОВ,  
ЎзДСМИ Нукус филиали талабаси

Эълон

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2021 йил 23 феврал куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очиқ аукцион савдоларини ўтказлади!

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Яққасарой тумани, Тошбулоқ кўчаси, 8 "А, Б"-уйда жойлашган, УзР Маданият вазирилик хузуридаги Халқаро фестиваллар дирекцияси балансидаги 2005й. и/ч, д/р 01/922BCA, бошланғич нархи 17 828 800 сўм бўлган "NEXIA" русумли автотранспорт воситаси қўйилди.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мажкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 3 (уч) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi закалат пули "TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипо-текабанк" Шайхонтохур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2951 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо шартинан бошлаб йиғирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташқил этган тақдирда, еттишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мажкур объект юқорида белгиланган савдо кунида со-

тилмаган тақдирда, бу бўйича такрорий аукцион савдолари у сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар сешанба кунлари ўтказилади. Ушбу объектга қизиқиш билдирган талабгорлар, унинг ҳолати билан юқорида кўрсатиб ўтилган сотувчи ташкилот манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 14-уй, 8-хона.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 209-23-41; телефакс: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS\_MCHI@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

Музейга ташриф

**АҚШлик журналистнинг Ўзбекистонга саёҳати**



АҚШнинг "Atlantic Council" (Атлантика кенгаши) катта илмий ходими, журналист ва ёзувчи Terrell Jermaine Starr юртимизга ташрифи давомида Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейига ҳам саёҳат қилди.

Меҳмон музей маъмурияти томонидан юқори савияда кутиб олиниб, ноёб экспонатлар ва экспозициялар билан таништирилди. Ёзувчи музейдан олган таассуротлари билан ўртоқлашар экан, шундай деди:

"Ўзбек хунармандчилиги санъатининг нодир асарлари мени хайратлангирди, юртингизнинг бой маданий мероси ва миллий қадриятлари яхши қасланаётганига гувоҳ бўлдим. Бу эса келгуси авлод учун катта тарих сифатида хизмат қилади. Албатта, музейдан олган таассуротларимни мақолаларимда акс эттираман".

Америкалик ёзувчига музей раҳбарияти томонидан эсдалик совғалар тақдим этилди.



Калқонларимиз

**Мард ва жасур ўғлонлар**



14 январь куни Хонқа туманидаги 1-касб-хунар мактаби билан ҳамкорликда "Мард ва жасур ўғлонлар" мавзусида кеча ташкил қилинди.

Унда Намуна маданият маркази ҳамда туман ахборот-кутубхона ходимлари, Кўзи оғизлар кутубхонаси фаол китобхонлари, 1-касб-хунар мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

Кечани ахборот-кутубхона маркази ходими Гулистон Жуманиёзова очиб, йиғилганларга Ватаннинг ҳар бир қарич ери азиз экани, шу юрт, унинг бугун ва эртаси учун жон фидо этган буюк аждодларимиз, уларнинг эзгу ишлари ҳеч қачон унутилмаслигини таъкидлади. Ватан ҳимоячилари ҳақли равишда юртининг фахру ифтихори саналишади. Бу йилги байрамни кўп ҳарбий оилалар катта қувонч билан қарши олишмоқда.

Байрам муносабати билан ташкил этилаётган бугунги тадбирлар ёш авлодни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини юксалтиришга хизмат қилади, дейди Гулистон Жуманиёзова. Чунки унда ҳарбийлар томонидан намойиш қилинган машқлар, кўргазмалар чиқишлар халқимиз, айниқса ёшларимизнинг Куролли Кучларимиз ҳақидаги тасавурларини янада бойитади. Уларда миллий армиямиздан фахрлини ҳиссини уйғотади.

Тадбир иштирокчиси Азамат Абдуллаев: "Биз Тўмарис ва Жалоллидин Мангуберди, Спитамен, Амир Темура каби довурак саркардалар ворисларимиз. Ишонч билан айтаемизки, боболаримизга муносиб фарзандлар бўламиз. Кеча давомида Намуна маданият маркази ходимлари томонидан Ватан ҳақида кўшиқ ижро этилди. Тадбир якунида иштирокчиларга мактаб томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар топширилди. Ватан ҳимоячилар куни ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил қилинганнинг 29 йиллиги билан чин қалбдан яна бир бор муборакбод этамиз.

Дилноза ИБРАГИМОВА,  
Хоразм вилояти Хонқа туман  
Кўзи оғизлар кутубхонаси ходими

Концерт

**Мардлар кўриқлар ватанни**



14-январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Шахрихон туманида ҳам ўзига хос концерт дастури ташкил этилди. Тадбирга туман ҳокими, раҳбар ходимлар, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари, маҳалла фаоллари ҳам тақлиф қилинди.

Концертни 24-болалар мусиқа ва санъат мактабининг истеъодли ўқитувчи ва ўқувчилари Ватанини мадҳ этувчи, Ўзбек ўғлонларини жасурилик ва мардликка чорловчи куй-кўшиқлари ва бир-биридан шўх рақслари билан қиздириб, йиғилганлар олқишига сазовор бўлишди.

Хушхабар



**Яна бир маданият маркази мукамал таъмирланди**

Фарғона вилояти Бувайда туманида фаолият юритаётган Марказий маданият маркази мукамал таъмирлаш ишларидан сўнг янги ва замонавий қиёфада фойдаланишга топширилди.

Уша куни Фарғона вилояти ҳокими Ҳайрулло Бозоров бошчилигида ушбу марказнинг очилиш маросими ўтказилди.

Кувончли кун муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда вилоят ҳокими сўзга чиқиб, миллий маданиятнинг янада ривожлантириш, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш ва бўш вақтларининг мазмунли ўттишини таъминлаш, ижодий жамо-

аларнинг миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарини ўзида мужассам этган намунали дастурларни шакллантириш, халқ ижодиёти ва бадиий ҳаваскорлик санъатини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш, турли хил тўғарақлар, студиялар, курслар, қизиқувчилар клублари, бадиий ҳаваскорлик жамоаларини ташкил этиш, уларнинг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратилганлиги тўғрисида гапириб, марказ фаолиятига омад тиллади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков билан бирга келгуси йилларда вилоят маданият ва санъатини ривожлантириш йўлида кўлаб

истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши, қисқа вақт давомида бу каби замонавий қиёфага эга марказлар сони ортиб боришини ҳам таъкидлаб, Бувайда туман маданият бўлими раҳбари М.Маҳмудовага вилоят ҳокимлиги номидан марказ жамоаси учун эсдалик совғаларини топширди.

Тадбирда, шунингдек, вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Б.Султонов, санъат ва маданият фахрийлари, вилоятдан етишиб чиққан таниқли хонанда ва созандалар ҳам иштирок этишди.

Фарғона вилояти маданият бошқармаси матбуот хизмати

Хисобот концерт



**Ёш мусиқачиларни кашф этиб...**

Президентимизнинг 2018 йил 28 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига намунали мақом ансамбллари ҳамда академик оркестрлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг муҳим тамойиллари белгилаб берилган.

Жорий йилнинг 15 январь куни Бекобод шаҳридаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактабига ўтказилган навбатдаги концерт дастури ҳам мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ташкиллаштирилди. Ёшларни мусиқа ва санъатга жалб

этиш, шунингдек, ноёб ва мутахассислари кам бўлган чолгулар ижрочиларини қўллаб-қувватлаш ҳам мазкур тадбирнинг асосий жиҳатларидан бири саналади.

Концерт мактабнинг хор жамоаси ижросидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси билан бошланди. Шундан сўнг ижро этилган турли рақслар, жонли ижродаги куй-кўшиқлар ҳамда сахна кўринишлари тадбирга келган меҳмонлар ва ўқувчиларнинг ота-оналарига манзур бўлди. Ҳар бир йўналишлар кесимида сахнага чиққан иқтидорли ёшлар ижросини томошабинлар қарсақлар билан олқишлаб туришди.

Этиборлиси, концерт дастури доирасида тасвирий ва амалий санъат бўлими ўқувчиларининг ижодий кўргазмалари ҳам ташкил этилди. Тадбир якунида сўзга чиққан мусиқа мактаби директори Б.У.Аҳмедов барча концерт иштирокчиларига ўз миннатдорлигини изҳор қилиб, бундай тадбирлар ёш авлод онгида миллий мумтоз мусиқамизга қизиқишни шакллантириши, ёш мусиқачиларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

М.МАДРАХИМОВ,  
20-БМСМ Халқ чолгулар бўлими ўқитувчиси

<p><b>МАДАНИЯТ</b> ОБУНА ИНДЕКСИ: 285</p>	<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.</p>	<p>Нашр учун масъул: Ш.Исроилова Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева Навбатчи: Н. Содиқова Адади - 6273 Бунюртма - Г - 117 Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок</p>	<p>Газета "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 23.50 Топширилди - 23.30 1 2 3 4 6</p>
	<p>МУАССИС: «Dildosh media» МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилиги</p>	<p>Бош муҳаррир Дилбоҳор Худойбердиева Тахририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54</p>	<p>Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.</p>

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.